

Ўзбекистон болалари ва ўсирилари газетаси

Ўзбекистон Республикаси

## МАҚСАДИМИЗ — ҲҚИШДА ЖАҲОН

### ТАЛАБЛАРИГА ЭРИШИШ

Кейинги икки йил давомида ўрта таълим соҳасида катта ўзгаришлар бўлди. Ҳқитишнинг эскирган шакллари ва усуллари ўрнини янгилари эгаллаш бошлади.

Аммо мактабнинг вазифаси боланинг саводини чиқаришдангина иборат эмас, унинг ҳали юзага чиқмаган истеъдоди ва қобилиятини намоён қилиб, камол топтиришдан иборатдир. Бу шарафли вазифани бажариш учун мактаб бугун ва эртага қандай бўлиши керак? Бу ҳақда республика Халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош САИДЖОНОВ қўйидагиларни сўзлаб берди.

— Бугунги кунда мактаб чуқур ўзгаришлар қаршида турибди. У давлатимиз мустақилликка эришуви билан миллий таълим сибсатини, унинг устивор йўналишларини мустақил равишда белгилаш имкониятига ҳам эга бўлди. Республикада болалар кўпчиликини, жумладан, мактаб ўқувчилари аҳолининг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Бундай ҳол камдан-кам мамлакатларда кўзга ташланади. Болаларимизнинг билим олишга бўлган конституцион ҳуқуқини таъминлашга ажратилаётган маблағ миқдори муттасил ўсиб бормоқда. Бугунги кунда бу маблағ юзлаб миллиард сўмни ташкил этади.


Ўзбекистонда болаларга раҳмхўрлик қилиш Президент И. Каримовнинг фармонлари асосида олиб борилмоқда. Бу фармонлар

мактаб ўқувчиларига кўпгина имтиёзлар берди. Улар мактабларда бепул нонушта қилишади. Аммо, овқатлаштириш ва кийинтириш билан иш битди, деб бўлмайди. Истеъдодли ва заковатли, билимдон авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, айниқса, муҳим ишдир. Бу Ўзбекистоннинг "Таълим тўғрисида"ги қонунда аниқ белгилаб берилган ва бу вазифа мактаб зиммасига юклатилган.

— Янги ўқув йилида мактабларда қандай ўзгаришлар бўлади?

— Умумтаълим мактабларини ривожлантиришда бутунлай янги йўналишлар қонунга асос қилиб олинган. Шу муносабат билан тўққиз йиллик таълимга босқичма-босқич ўтиш амалга оширилади. Бу нима дегани? Ўғил-қизлар мактабда таълим олибгина қолмай, ўзлари қизиққан мутахассисликлар бўйича кейинчалик билим юртлари ва техникумларда ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлишлари учун уларга касбий йўналиш ҳам ўргатиб борилади. 10-11-синфларда дарслар алоҳида мутахассисликлар бўйича олиб борилиб, ўқувчиларни ҳаётга ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга тайёрланади.

(Давоми 3-бетда).



## БОБОМИЗ РУҲИ ШОД БЎЛГАЙ!

Мустақиллигимизнинг икки йиллиги нишонланган кунларда Ватанимиз пойтахти — Тошкентнинг чиройи очилди. Дам олиш жойлари, ҳиёбонлар кўркамлашди. Шаҳарнинг марказига жойлашган Марказий ҳиёбон эса ўзгача тус олди. Ушбу ҳиёбонда байрамолди кuni — 31 августда соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг от устида виқор билан ўтирган ҳайкали очилди. Шу сабаб ҳиёбон ва унга туташ бўлган метро бекати Амир Темур номи билан юритиладиган бўлди. Атрофга экилган анвойи гуллар, қадимий, миллий нақшлар билан безанган чироклар, ўриндиқлар ҳайкалга янада ажиб бир виқор бахш этмоқда. Ҳайкалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, ҳукумат раҳбарлари ва шаҳар меҳмонлари, тошкентликлар иштирок этишди. Унда Ислоом Каримов нутқ сўзлаб: "Бу сиймо мард, танги, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жиқлаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди" деди.

СУРАТДА: Амир Темур ҳайкали.



Ҳқитишчиларнинг шарт шароитлари яхши-ланиши, уларга турли имтиёзлар берилиши, моддий томондан рағбатлантириб борилиши ҳам истиқлол даврида биз эришган ютуқлардан бири бўлди.

«НАСЛИМИЗ СОҒ БЎЛСИН ДЕСАК...»  
2-БЕТ.

Шу ўқув йилидан бошлаб дарслар қайси тилда олиб борилишидан қатъий назар, барча мактаблар учун ягона ўқув режаси жорий этила бошлайди.

«МАҚСАДИМИЗ — ҲҚИШДА ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИГА ЭРИШИШ»  
3-БЕТ.

Мана энди йиллар ҳам ўтди, Орта қолди ажиб болалик. Ким уйлабди уша давларда Ул қоғозда изм қолар деб.

«ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН ИЗ»  
4-БЕТ.

## ҚИЗ БОЛАЛАР УЧУН ИҚТИСОД САБОҚЛАРИ



11-12 ёшлар чамасидаги қизалоқ Фарҳод бозорига ўнг қанотдан қираверишда каттакон саватда нон сотарди:

— Обкетинг, амаки, 60 сўмдан.

Обкетинг...

— Қиммат-ку, қизим, 50 дан берақол.

— Ҳм, қимматмуш-а, аввал ўзингиз иссиқ тандирда нон ёпиб кўринг, кейин биласиз. Ушанда нонларингизни 100 сўмдан сотган бўлармидингиз?..

...Эътибор берган бўлсангиз, савдо-сотикқа аралашиб юрган болалар бошқа тенгдошларидан қай жиҳатлари биландир ажралиб туришади. Бу ҳолат, айниқса, қиз болаларда яққолроқ сезилади. Бошқа қизлардан фарқи ўлароқ улар анча дадил, ҳозиржавоб, бийрон, чўрткесар бўлиб қолишади. Улардан айримлари бозорга чиқиш олдидан, қандай қилиб бўлса ҳам ўз маҳсулотини пуллаб қайтишни мақсад қилиб қўядилар. "Гап келганда отангни ҳам аяма" қабилида иш тутиб, катта-кичик харидорлар билан тортишиб

қолишдан ҳам ўзларини тийишмайди. Бундай ҳол уларга муомала маданияти ва иқтисодий билимлардан сабоқ беришни тақозо этади. Шу мақсадда педагогика фанлари номзоди Зухра опа ВАЛИЕВА билан бўлган мулоқотимизни давом эттиришни дозим топдик. Демак, бугунги суҳбатимиз қиз болалар учун иқтисод сабоқлари хусусидадир.

Олиб борилаётган педагогик тажрибалар, халқ педагогикасидаги қарашлар ва уларнинг ҳаётийлиги борасидаги таҳлиллар, шарҳ педагогикасининг миллий ўзига хослиги қўйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1. Қиз ва ўғил болалар иқтисодий тушунчаларнинг ҳаётийлигини англашда турли мантиқий мақсад кузатилди ва шунинг учун уларда иқтисодий маданият даражасини таркиб топтириш, алоҳида, махсус йўллар, усул ва услубиятларда сингдириш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги байрами кенг тантана қилинаётган кунларда шаҳримиздаги 21-болалар уйида ҳам ажойиб тадбир бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев иштирок этиб, ўқувчиларга Президентимизнинг туҳфасини топширди.

“Аълочи ўқувчи...га Мустақиллик куни совғаси. Ўзбекистон Президенти И. Каримов”, деб ёзилган ҳошияси чиройли, ўртасида Ватанимиз герби акс эттирилган 402 дона қўл соатлари ўз эгаларини топди.

Бундай бахтга муяссар бўлган ўқувчилар орасида Тошкент шаҳридаги 21-, 22-болалар уйлари, 98-, 100-мактаб-интернатлари, республика нафис санъати мактаби, ҳарбий лицей, турк лицейи ҳамда республикамизнинг кўпгина мактабларида таҳсил олаётган иқтидорли болалар ҳам бор.

Ўз навбатида ўқувчилар ҳам юртбошимизнинг болаларга кўрсатаётган эътибори, раҳм-ўрлиги учун самимий миннатдорчилик билдирдилар.

Шу куни Президент туҳфасига сазовор бўлган ўқувчиларни турк лицейи ўқитувчилари ҳамда 21-болалар уйи тарбиячилари ҳам муборакбод этишиб, байрам совғаларини топширишди.

Суратда: 21-болалар уйида совғаларни топшириш маросимидан лавҳалар.

Р. АЛБЕКОВ туширган суратлар.



## Президентимиз туҳфаси



## НАСЛИМИЗ СОҒ БЎЛСИН ДЕСАК...

Не бахтки, истиқлол туфайли кўп нарсага эришдик. Ўз она тилимизни жиддий ўргана бошладик, тарихнинг асл ва ҳақиқий саҳифаларини фарзандларимизга очдик. Болаларимизнинг бошқа тилларни ҳам билишларига кенг йўл очиб бердик. Ўзлари севган фанларни ўрганишларида эркинликлар яратдик, уларни рағбатлантиришни ўргандик. Бу ишларга эса “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, янги дарсликлар чоп этилиши, дин билан мактабларнинг ўзаро самимий муносабатлари орқали олиб борилаётган тарғибот ишлари ҳам кўмаклашди.

Ўқитувчиларнинг яшаш шароитлари яхшиланиши, уларга турли имтиёзлар берилиши, моддий томондан рағбатлантириб борилиши ҳам истиқлол даврида биз эришган ютуқлардан бўлди. Бу йил мен туманимиз ўқитувчилари ўртасида ўтказилган “Ўқитувчи-93” кўригида иштирок этдим. Бу кўрик давомида ўз ҳаёти ва иймон-этиқодини болаларга, Ватанимиз келажиги бўлмиш ёшларга бахшида этган фидойий ўқитувчилар кўплигини кўриб, ҳаяжонландим. Сабаби аён: устоз, ўқитувчи қандай бўлса унинг шогирди, ўқувчиси ҳам шундай бўлажак. Демак, дилини, ҳаётини ўқувчиларига ато этган ўқитувчидан, таълим-тарбиясидан Ватанга содиқ ёшлар етишиб чиқиши муқаррар.

Икки йил тикланиш учун жуда оз вақт. Шунинг учун “Бу масала четда қолди”

дейиш ҳозирча қийин. Ҳар ишнинг ўз вақти бор-да. Шундай бўлса ҳам кўнглимнинг четига тугилган бир масала ҳақида айтиб ўтмоқчиман.

Яқиндагина Президентимизнинг Фармони билан “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилди. Бу орден ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом, баркамол ўсиши учун жон куйдираётганларга насиб этиши тайин. Аммо бугун биз болаларимизнинг соғлиги билан тўла мақтана олмаيمиз. Орол денгизининг қуриб бориши, турли завод ва корхоналарнинг ҳавони ифлослантираётгани, оналарнинг оғир ишлар билан бандлиги каби муаммоларни келтириб ўтирмаган ҳолда болаларимиз орасида касалликларнинг кўплиги, ногирон болалар туғилиши ҳамон мавжудлиги сир эмас. Шундай бир шароитда болаларбоп, парҳезли, витаминли маҳсулотлар тайёрлаш устида иш олиб борадиган бирон бир илмий марказ йўқлиги ташвишга солади мени. Матбуот нашрларидан маълумки, бошқа мамлакатларда, чет элларда касалманд болалар учун уларга қўйилган ташхисларга қараб тайёрланадиган озиқ-овқатлар, турли шарбат ва мева маҳсулотлари, парҳез, сут таомлари ва ҳатто, экологик соғ сув тайёрлаш борасида илмий ишлар олиб борадиган бир қанча институтлар мавжуд. Бундай марказ ва илмгоҳларни очиб, улар фаолиятини тезроқ йўлга қўйиш бизнинг республикамиз учун ҳам жуда зарур. Улар орқали болаларимиз янада соғлом бўлишларига аминман.

Феруза СОДИҚОВА,  
Тошкент вилояти, Окдўрган туманидаги 6-мактаб.



**Хўжабой АСҚАРОВ,**  
Ўзбекистон Орол болаларига ёрдам жамғармаси раиси.  
Ёш авлодни жисмоний соғлом ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим масалалардан биридир.  
Президентимиз Ислон Каримовнинг “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузман” номли рисоласида: “Биз наслимиз соғлом

бўлишини таъминлашни ўзимизга буюк мақсад қилиб олдик, дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистон “Соғлом авлод учун” орденини таъсис этди: Бизнинг вазифамиз — жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш! Жисмонан соғлом ва маънавий баркамол авлодсиз бунга эришиб бўлмайди”, — деб таъкидлайди.

Шу жиҳатдан олганда фарзандларимизни соғломлаштириш

оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришди. Бундан ташқари йил давомида Қорақалпоғистоннинг барча туман ва шаҳарларидан соғлиги ёмонлашган, ердамга муҳтож бўлган болалардан 170 нафари Чимёндаги болалар санаториясида даволандилар. Улар даволаниш билан бир қаторда санатория қошидаги мактабларда ўқишларини давом эттириш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Асосан, камқонлилик, сил

## Орол болалари

ва уларнинг мароқли дам олишларини ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Орол болаларига ёрдам жамғармаси ҳам бу борада бир қанча хайрли тадбирларни амалга оширяпти.  
Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунлари давомида 7 мингдан зиёд Орол бўйи болалари Ўзбекистонда бўлишди. Тошкент вилоятининг “Гунча”, “Орлёнок”, “Бахт”, Бўстонликдаги бир қатор

касалликлари билан огриган бу болалар шифокорларнинг доимий назоратида бўладилар, зарур бўлса, уларнинг дам олиш муддати икки ойга ҳам чўзилиши мумкин. Мазкур санаторияни ҳамда Қорақалпоғистондаги 2 та болалар уйлари имкон қадар керакли дори-дармонлар, бир марта қўлланиладиган шприцлар билан бепул таъминлаб тураемиз. Амалга оширилаётган ибратли ишлардан бири Қорақалпоғистоннинг Чимбой

туманида қурилаётган она ва болалар учун мўлжалланган соғломлаштириш масканининг қурилишидир. Шифобахш иссиқ сув чиққан бу туманда қурилаётган санаторий келаси йилдан ишга туширилиши кўзда тутилган.

Мустанқил Ўзбекистонимизнинг икки йиллик тўйини муносиб кутиб олиш шарофати билан айни кунларда бизнинг жамғармамиз ҳам талайгина ишларни амалга оширди. Қорақалпоғистон республикасининг Хўжайли туманидаги, Хоразм вилоятининг, Хива шаҳридаги болалар уйлари тарбияланувчиларига 1 миллион сўмлик совға-саломлар тақдим қилинди.

Шу йилнинг 7—8 октябрь кунлари Ўзбекистон Халқ Демократик партияси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон ва Хоразмда Орол болалари кунларини ўтказишни режалаштирганмиз. Бу куни Орол бўйидаги барча болалар уйларида хайрия қонцертлари бўлиб ўтади, езувчи ва шоирлар билан учрашувлар, кўргазмалар уюштирилади. Болаларга эса кишки кий-

имлар совға қилинади. Бундан ташқари Марказий Кенгашимиз қарорига асосан шу болалар уйларида ёрдам тариқасида икки юз минг сўм пул ҳам ажратилди.

Фурсатдан фойдаланиб, газетхонлар эътиборига яна бир янгиликни ҳавола этмоқчиман: 1 июндан бошлаб Ўзбекистон жамғарма банкнинг барча бўлимларида “ОРОЛ БОЛАЛАРИГА — 93” хайрия пуллик лотореялари сотила бошлади. Ютуқлар миқдори минг сўмдан беш юз минггача, жами — 20 миллион сўмни ташкил қилади. Лотореядан тушган маблағ эса хайрия тадбирлари учун ишлатилади.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистонимиз мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан барча ҳамюртларимизни муборакбод этаман, ҳамда хайрия ишларида бизларни қўллаб, ҳамкорлик қилувчилар учун ўз манзилгоҳимизни эслатиб ўтаман: Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй.

(Давоми. Бошланғич ўтган сонларда).  
“Бу ер ҳамма нарсага бой: галла ҳам, шароб ҳам, мева-чева ҳам, паррандалар ҳам, гўшт ҳам мўл-кўл. Бу ернинг қўйлари йирик-йирик, думбалари катта бўлади. Думбаси 20 фунт келадиган қўйлар бор. Бунчалик оғир юкни одам қўлда зўрга кўтара олади. Қўйлар кўп ва арзондир. Галла жуда ҳам арзон, шולי эса ошиб-тошиб ётади. Бу шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар шундай тўқин-сочинки, ҳайрон қолмаслик мумкин эмас. Ана шундай бойликлари учун ҳам бу ер Самарқанд деб аталади. Унинг ҳақиқий номи Семизкент бўлиб, бадавлат қишлоқ деган маънони беради, негаки, уларда семиз дегани катта, бой, тўла деган маънони билдиради, кент эса шаҳардир. Ана шундан Самарқанд номи келиб чиққан”.

Клавихо ўйга чўмди: “Темурбек юртида ҳунармандларга раҳм-ўрлик катта. Бозорларда нарх-наво, савдо-сотик устидан назорат ўрнатилди. Харидор ҳақида хиёнат қилганлар, ўғрилар қаттиқ жазога қўрилади. Умуман, Темурбек юртида ўғрилик, қароқчилик йўқ. Карвон савдоси бехатар, карвонсаройлар кўп. Ҳар бир шаҳарда мачит, мадраса, мактаблар давлат ҳимоясида. Гадейчилик шармандали ҳисобланади. Майиб-мажруҳлар, ногиронлар давлат ҳисобидан таъминланади. Дарвешлар, қаландарлар учун махсус манзилгоҳлар қурилган”.

Клавихо Темурбек давлатида мансабдорлар танланшига, уларнинг ҳислатларига эътиборини қаратди.

Темурбек саройида барча ишларни девон ҳал қилади. Девонбеги умумдавлат ишларини бошқаради. Тўрт вазир эса



тарихий лавҳалар

ўзларига белгиланган соҳаларга жавобгар. Вазир ҳаётий тажрибаси бой, руҳан покиза, илтифотли ва инсонпарвар бўлиши лозим. Хушомадгўй, лўттибоз, лаганбардор, гийбатчи одамлар бундай мансабга сира яқинлаштирилмайди. Ҳар бир номзод зотига қараб эмас, балки ишчанлиги, қобилияти ва истеъдодига кўра тайинланади.

Клавихо диққатини Темурбек лашкарига алоҳида қаратди. Лашкар ҳали Оврупога номаълум тартиб-қоидалар мажмуаси — Тузуқларга кўра идора этилади. Тузуқлар устив дегани. Шунга асосланиб кўшин ҳаракат қилади. Бу ҳарбий устав — Тузуқларга кўра кўшин уруш вақтида мажбурий ҳарбий хизмат ҳисобидан тўлдирилади, тинчлик вақтида фақат кўнгилилар олинади. Икки-уч хонадондан тўла қуролланган отлик олинади. Кўшин ўнлик, юзлик, минглик ва ўн мингликларга

бўлинади. Кўшинга маош тўлаш тартиби ҳам бор. Одий сипоҳий ёки навкар маоши бир тулпор қийматига тенг. Баҳодир, (капрал) — уч тулпор, ўнбоши (сержант) — ўн тулпор қийматига тенг маош олади. Шуниси қизиқки, бу маош миқдори бозордаги нарх-навога, яъни кундалик харид моллари нархига кўра ошиб-пасайиб туради.

Юзбоши (капитан) ихтиёрида юз отлик маоши, мингбоши (полковник) — минг тулпор қийматига тенг ҳақ олган ҳолда захирасида яна кўшимча маблағ бўлади. Туманбоши (генерал) — уруш вақтида аҳолидан озиқ-овқат харид қилиши учун катта миқдорда маблағга эгадир.

Темурбек лашкарининг бошланғич бўғини ўнликлар уставка кўра сарой асосида ўнбошиларни сайлайди. Ўнбошилар эса ўз навбатида зобитларни, яъни юзбошиларни сайлайди. Шу тариқа офицерлар корпуси эркин асосда жасур, аскарлар ўртасида обрўли командирлардан ташкил топади. Қолбуки, Оврупо қироллари кўшинида офицерлар асосан насл-насаби, зоти, дворянлигига кўра тайинланади, оддий фуқаро бундай унвонга яқинлаштирилмайди.

Темурбекнинг олий офицерлари — мингбоши, туманбошилар тайинланиш тартиби ҳам Клавихонинг эътиборини ўзига ташаббускор, ҳарб илмида ўзини кўрсатган, ҳийла-найранглар ишлатишга уста, душманга пистирма, тузоқ қўйиш, рақиб кўшин сафига парокандалик солишини биладиган, ўрни келганда душман

саркардаларини турли йўллар билан ўзига оғдир аладиган тадбирлар ҳарбийлар қўйилади. Оврупода эса олий зот герцог, граф, баронлардан ташқари ҳеч ким бундай катта кўшин қўмондонлигига қўйилмаслигини ўйлаб Клавихонинг фикри тиниқлашди. Мана, гап қаёқда! Устав — мана шу Темурбек зафарларининг калитидир.

Камергер Рюи Гонзалес де Клавихо қоздан бош кўтариб, ўзига яқинлашган тилмочни кўрди.

— Соҳибқирон чорлаптилар...  
Камергер лавозимларини оёққа турғазди. Демак, Темурбек Самарқандга келибди.

У девонбеги вакили билан ҳукмдор саройига ҳаяжонланиб қадам босди. Вакил унга қабул маросимини яхши тушунтирган бўлса ҳам у тиззаларига югурган қалтироқни босолмади.

Қудратли Кастилия ва Леон ҳукмдори қирол Генрих III нинг мухтор элчиси, олий насаб дворян авлодига мансуб камергер Рюи Гонзалес де Клавихо уч марта ўнг тиззасини букиб, қўлларини кўксига қўйиб, Темурбекка таъзим бажо айлади. Шундан сўнг мулозимлар уни қўлтигидан олиб икки тиззасини ерга қўқтиришди.

— Ўғлим, қиролнинг аҳволлари қандай?  
Клавихо мулоим оҳангда гап бошлаган кишига ҳайрат, қўрқув ва қизиқиш аралаш нигоҳини қаратди. Мана шу мухташам тахтада ўтириб, унга гапирган киши бутун Оврупони ҳайратга солган афсонавий Темурбек!

(Давоми бор).

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Демак, кўпчилик мактабларда 10-синфларни жиддий равишда қисқартириш тўғрисидаги гапларни асоссиз деса бўлади? Миш-мишларга қараганда, бу — маориф идораларининг талаби эмиш ва ғўе шунинг учун ота-оналар ўзларининг 14-15 яшар болаларини қаерларгадир жойлаштириш тадоригини кўришлари керак, деган фикрлар ҳам бор.

— Бу нотўғри. Гап аста-секин базавий таълимга ўтиш тўғрисида бормоқда, холос. Биз ёшларнинг умумий ўрта маълумот олишга бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришимиз керак, лекин, илгаридегидек мактабни тамомлашга мажбур қилмаслик лозим. Хоҳиши ва қобилияти бўлса, бола ўқийвериши мумкин ва бунга халақит беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу билан бирга биз 9-синфдан сўнг мактабдан кетишга қарор қилганлар учун шарт ва база яратиш берамиз. Чунончи, катталарни ўқитиш марказлари, махсус лицейларнинг кенг тармоқлари ривож топмоқда.

Бундан ташқари, хунар-техника билим юртлири, ўрта махсус ўқув юртлири, ишлаб

жойда қизиқишлар бўйича тўғрақлар ва факультатив машғулотлар ташкил этилмоқдаки, уларда болалар ўз билимларини чуқурлаштиришлари мумкин.

— Мактаб ҳаётига кўпгина тажрибалар жорий этилмоқда. Улар ўғил ва қизларга ўз келажакларини белгилаб олишда ёрдам беради. Олдинда яна қандай ўзгаришлар бўлади?

— Ёш иқтидорларни аниқлаш иши таълим тизимининг янгиланаётганини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Иқтидорли болаларни аниқлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Улар учун янги типдаги ўқув юртлири, гимназиялар, лицейлар очилди. Ўқишда алоҳида ажралиб турган юқори синф ўқувчилари махсус стипендиялар оладилар. Муҳими, фақат иқтидорларни қидириб топиш билангина шугулланиб қолмай, уларнинг камол топиши учун шарт-шароитлар яратишдир. Шунинг учун ҳам, мана икки йилдики, иқтидорли болалар слётларини ўтказмоқдамиз. Уларда голиб чиққанлар махсус таъсис этилган нишон билан тақдирланади. Фанлар бўйича олимпиадаларнинг голибларига

## МАҚСАДИМИЗ — ЎҚИШДА ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИГА ЭРИШИШ

чиқаришда турли-туман қисқа муддатли курслар ишлаб турибди. Мактаб ва ота-оналарнинг вазифаси болага ўзи ва жамият учун фойдали бўлган йўлни танаб олишга ёрдам беришдир.

Ўрни келганда айтиб ўтмоқчиманки, ҳозир вазирлик Халқ таълимини ривожлантиришнинг янги, кенг қамровли дастурини жорий этишга киришди. Унда давлат тилини, одобнома, дин тарихи асосларини ўргатишга, шунингдек, ўқитиш жараёнини компьютерлаштиришга, иқтидорли ўқувчилар билан иш олиб боришга алоҳида аҳамият берилган.

Шу ўқув йилидан бошлаб дарслар қайси тилда олиб борилишидан қатъий назар, барча мактаблар учун ягона ўқув режаси жорий этила бошлайди. Бу режада ўқитилиши мажбурий фанлар қаторида тавсия этиладиган бошқа ихтиёрий фанлар ҳам бўлади. Она тили ва адабиёт, Ўзбекистон жугрофияси ва бошқа қатор фанларнинг мазмунига ўзгартиришлар киритилди, дарслар хусусияти республиканинг бугунги ҳаётига яқинлаштирилди. Энди болалар Ўзбекистон халқларининг маънавий мероси билан ошно бўладилар. Ҳуқуқий ва иқтисодий тарбияга ҳам эътибор берилган. Ана шу янгиликлар асосида дарсликлар ва услубий қўлланмалар яратилаётир. Бу ишга олимлар, ўқитувчилар, услубиятчилар жалб этилган. Шу билан бирга, ўқитиш шакллари ва услубларини танлаб олишда мактабларга эркинлик берилган. Биз ўқитувчиларнинг ташаббускорлигида янгилик излашларига кенг йўл очиб бердик. Ҳозир ўқитиш режаларининг ўндан ортик тури ишлаб чиқилган. Мактаблар улардан хоҳлаганини танлаб олишлари мумкин. Ҳамма

кўпгина имтиёзлар берилган. Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг "Иқтидорли ўқувчи-ёшларни тақдирлаш тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муносабати билан бу йил улар биринчи марта олий ўқув юртлирига имтихонсиз кириш ҳуқуқини олдилар. Мактаблар тест синовларига ўтадиган вақт ҳам яқинлашиб қолди. Бу йўналишда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Биз ўқитувчиларни ўқувчиларнинг билимларини тест бўйича баҳолаш услубига ўргатмоқдамиз. Бу борада Тошкент ва Сирдарё вилоятлари мактабларида тажрибалар муваффақиятли ўтди. Иш яна давом эттирилади.

— Келажакда мактаб қандай бўлади?

— Бу саволга "Таълим тўғрисида"ги қонун аниқ жавоб беради. Масалан, қонунда белгиланишича, болалар боғчаларида тарбияданувчилар мактабда ўқитиладиган фанларнинг асосларини ўйин шаклидаги машғулотларда тушуниб етиш имконига эга бўладилар. Базавий мактабларнинг ўқувчилари эса алоҳида фанлар бўйича ўз билимларини чуқурлаштирадилар. Учтинчи босқичдаги мактаб — ўқитиш муайян йўналишда олиб бориладиган гимназиядир. Хунар-техника билим юртлири эса хунар ўргатадиган лицейлардир. Болаларни ўқитишда ягона меъёрларни белгилаш учун биз таълим андозаларини ишлаб чиқаришни бошладик. Бу ёшларимизни ўқитиш масалаларида жаҳон талаблари даражасига эришиш имконини беради.

— Ўқувчиларга қандай тилакларингиз бор?

— Тинчлик, яхши ўқиш, бахт-саодат ва фаровон турмуш тилайман!

Л. СТРУННИКОВА,  
УзА.

# ҚИЗ БОЛАЛАР УЧУН ИҚТИСОД САБОҚЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Яшаш шароитига кўра қиз ва ўғил болаларнинг мустақил ҳаётида зарур иқтисодий билим, кўникма, малакалар йиғиндисини амалда қўллашга имкон яратиш ва турмуш тарзи, ижтимоий аҳвол ўзгаришига мослашиш йўл-йўриқларини ўргатиш.

Бу борада Ўзбекистондаги ўрта мактаблар имкониятларини ўрганиб чиқиб, уларда "Иқтисодий сабоқлар" факультатив



дарсларини ташкил этиш ўқувчиларнинг иқтисодий маданиятини таркиб топтиришдаги дастлабки қадам бўлди. Бундан кўзланган мақсад эса, қиз ва ўғил болаларга мустақил ҳаётида, айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсата олиши учун зарур бўлган иқтисодий билим, кўникмаларни жинси, ёши, қизиқиши, қобилияти, имкониятидан, келиб чиқиб сингдириш, эгалланган иқтисодий билим ва кўникмаларни амалда тўлалигича тадбиқ эта олишга имкон яратишдир.

## ҚИЗ БОЛАЛАР УЧУН "ИҚТИСОД САБОҚЛАРИ" ФАНИНИНГ ДАСТУРИ

Қиз болаларнинг ақлли ва ўқувли бўлиши шартлиги.

Илму хунар ўрганмоқ инсонларга хос хусусиятдир. Ҳар бир ишнинг ҳақиқатини англамоқ, одамийлик қадрини билмоқ, меҳнат туфайли гўзал турмуш яратмоқ учун қизлар илм-хунар эгаллашлари лозимдир.

Оилада фарзанд дунёга келиши билан, у энг аввало она тарбиясини ҳис этади. Онанинг фарзандларига комил тарбия бера олиши учун эса аввало ўзи тўқис тарбияланган, ақлли ва ўқувли бўлиши лозим. Ҳар бир қиз бола келажакда она бўлишдек буюк бахтга муяссар бўлар экан, ёшлиқданоқ бола тарбиялаш, оила бошқариш,

рўзгорни саранжом-сарипта тутиш каби юмушларни пухта ўргана бориши мақсадга мувофиқдир.

### Иффат ва унинг фазилатлари

**ИФФАТ** — қиз ва аёлларга хос шахсий сифатдир. У маънавий тарбияланганлик даражасини белгилайди. Замонасининг етук қизи, аёли бўлиш учун иффатни доимо таркиб топтира бориш шарт. Иффатли қиз, аёл бўлишга интиланлар, унинг туб маъносини англаши ва фазилатларини ўзида мужассамлаштириши лозим.

**ҲАЁ** — мақсад йўлида ноҳўя ишларни амалга оширишдан сақланиш, уялиш, қўрқиб. Бу онгли хатти-ҳаракат бўлиб, ўзида бетгачопарлик қилмаслик, натижасини ўйламай иш тутмаслик, ўзининг, ўзгаларнинг қадрини билиш каби фазилатларни мужассамлайди.

**САБР** — қўйилган мақсадга эришишда тўсиқ, қийинчиликларни енгишда ва унга эришишда чидамли бўлишдир.

**ҚАНОАТ** — оила бошқаришда, мақсадларга эришишда барча имкониятларни (хўжалик учун керакли маҳсулотлар, кийим-кечак, мол-мулк ва бошқалар) ҳисоблаб, чамалаб, даромадни расаматлаш ва ортиқчасини таъма қилмаслик. Очкўзлик ва таъмағирлик ҳар вақт хўрликка сабаб бўлади.

**МУОМАЛА** — ҳамма жойда ҳар қандай шароитда ёқимтойлик. Ҳар бир қиз, аёл муомала маданиятини эгаллаши шартлиги.

**ҲУСН** — табиат ато этган гўзаллик. Қиз ва аёл гўзаллигининг қадрланиши. Гўзаллик, ҳусн ўткинчи, уни сақлаб қолиш қиз, аёлларга ҳам боғлиқлиги.

**ИНТИЗОМ** — мақсадга эришиш йўлида қилинаётган ишларда керагича ва мақсадга мувофиқ равишдаги доимий хатти-ҳаракатлар. Интизомга риоя қилмаслик оилада, жамоада тартибсизликни келтириб чиқаради.

### Меҳнат ва унинг турлари

Ақлий меҳнат. Жисмоний меҳнат. Якка ва жамоа меҳнати. Қиз болаларга хос меҳнат турлари. Соҳалар. Касблар. Хунар. Хунармандчилик.



### Оилада қиз боланинг тутган ўрни

Оилада қизалоқ туғилди. Қиз болани тарбиялаш. Қиз боланинг оиладаги меҳнати, уй-рўзгор тутиш йўллари. Хонадон бекаси бўлишга тайёргарлик кўриш. Янги кўрган қиз. Тикиш-бичиш, пишириш, супуриш-сидириш, кир ювиш ва ёйиш қодалари.

### Эскини янги қилиш усуллари

Турмушда тежамкорлик сирлари. Рўзгоршунослик фани ҳақида маълумот. Рўзгоршунослик кундалик оилавий ҳаётнинг барча томонларини ўз ичига қамраб олиб, оила хўжалик фаолиятида тежамкор бўлишнинг оддий қодалари ва бошқа масалаларни ўрганади.

Эскини янги қилиш усулларидан:

- кийим-бошларни кичрайтириш, кенгайтириш;
- кийим-кечак, пойабзалларни тозалаш;
- кийим-кечакларни замон талабига кўра ўзгартириш;
- кийим-бошларни сўтиб, ипини олиш қабилар.

### Сотиб олган яхшими ёки тайёрлаган!

Ҳозирги нарх-наволар. Кундалик, мавсумий харажатлар. Оила бюджети. Қиз боланинг харажати. Сотиб олинган шарт маҳсулотлар. Уй шароитида тайёрлаш мумкин бўлган маҳсулотлар. Кўкатлар ва уларни парваришлаш. Таомлар, уларни тайёрлаш усуллари. Турли емаклар, ичимлик шарбатлари учун маҳсулотларни арзонлаштириш усуллари.

### Кўшимча даромад келтирувчи қиз болалар фаолияти

Ҳар бир қизнинг мустақил ҳаётида зарур бўлган мажбурий фаолиятлар:

1. Тикиш-бичишнинг бошланғич маълумоти.
2. Тўқиш кўникмалари.
3. Менежерлик асослари.
4. Бошланғич тиббий маълумот, биринчи тиббий ёрдам қодаларини ўрганиш;
5. Болаларни тарбиялаш борасидаги бошланғич маълумот.
6. Қизларга хос хунарлар турлари билан танишиш.


Ф. ЖАЛИЛОВА ёзиб олди.





**Тили чиқди**

— Раъно, суюнчи бер, укамнинг тили чиқяпти!  
— Вой, нима укамнинг тили йўқмиди?



**Тақдир**

— Ҳа, шунақа, — деди Нормат бобо, — ҳамма ҳам пешонасига ёзилганини кўради.  
— Вой, бобожон, қаранг-чи, менинг пешонамга нима ёзилган экан, ўзим кўролмаяман, — деди Гулнора пешонасини ушлаб.



**Ортиқ**

— Ака, анави кўзичоқ ҳамма кўйларнинг бобосими?  
— Нега унақа деясан, Нодир?  
— Ахир унинг соқоли бор эканда, — деди Нодир кўзининг бўйнидаги ортигини кўрсатиб.

У. АБДУСАЛОМОВ.

**ШОИРЛАР — БОЛАЛАРГА**



Нурмухаммад МУҲАММАД

**Қоғозда қолган из**

Бола эдим  
Тўзгин кўчада.  
Чопар эдим дўстларим билан.  
Оққан тернинг ажиб бир ҳиди  
Тўкиларди болоқларимдан.  
Тош олмадан энг сўнгги хазон  
Тушганида хазин ўйноқлаб.  
Кун бермасдан тутиб эзардим  
Сепмоқчидек онларимга зеб.  
Ерда ётган қоғоз шамолда  
Тошга тегиб шитир-шитирлар.  
Қаҳрамонлик қилган боладай  
Босганимда китир-китирлар.  
Кўриб қолиб бобом айтарди:  
— Қочгин болам, увол бўлади.  
Шўхлик қилиб гашига тегсам  
Таёқ олиб қувиб соларди.  
Мана энди йиллар ҳам ўтди,

Нурмухаммад Муҳаммад.  
Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туманига қарашли Уяс қишлоғида туғилган. Журналист. "Нонсиз яшаш мумкин, лекин шеърятсиз... оғир", деган қатъий фикрга амал қилади.

**УДЕЙДИКИ:** "Энг қийин нарса — шоир бўлиб яшамоқ экан. Чунки телба хаёллар доимо сенинг ҳамроҳинг бўлади. Аммо телба хаёллар билан ҳам шўҳрат қозониш мумкин".

Ортда қолди ажиб болалик.  
Ким ўйлабди ўша дамларда  
Ул қоғозда изм қолар деб.  
Болалигим — чексиз баётим,  
Оҳангнинг-ла қадам ташлайман.  
Оқ қоғозга боглиқ ҳаётим  
Кўзларимни тикиб яшайман.  
\*\*\*  
Ғийбат — шубҳа...  
Одамзодга ишонмаслик белгиси.  
Хулқингдаги англаб бўлмас кусур!  
Акс этар суҳбат чоги.  
Дил — кўзгу.  
\*\*\*  
Вақт-бевақт  
Отилган хазон...  
Фикрни пиширар дошқозон.  
Қайнатсинлар — гар танда бўлса жони  
Толедан кулар осмон — жаҳони.

**ТИЛЛА ТИШ**

Олти ёшли Бехзоднинг  
Бир тиши тушиб қолди.  
— Ура, томга отаман,  
Дея қўлига олди.

Онасининг бир гапи  
Ёдга тушганди шу дам.  
Томга отса оқ тишни  
Тилла тиш чиқар экан.

Мана, ойлаб вақт ўтди,  
Тилла тишдан дарак йўқ.  
Тилла тишин кутади  
Ҳар кун ойнага қараб.

**ТУҒИЛГАН КУН**

Укам Шерзод жуда шод,  
Бугун туғилган куни.  
Маза килади энди,  
Табриклаш керак уни.

Беш ёши билан кутлаб,  
Совға-салом бердик биз.  
Сўнг қўлоғидан тутиб  
Роса чўздик ҳаммамиз.

Бирдан ўпкаси тўлиб,  
Юз-кўзлари намланди:  
Боғча опамларнинг ҳам  
Тортганлари каммиди?!  
**Лобар ТОШҚЎЗИЕВА.**

Каттаю кичик бу кишини яхши танийди. Кимдир уни ойнаи жаҳонда кўрган, кимдир юзма-юз учрашган, суҳбатлашган...

Ҳа, бу киши машҳур циркчи Зариф бобонинг қасбини давом эттириб келаётган халқ артисти Ҳаким Зариповдир. Унинг маҳоратига халқнинг меҳри тушган. Шу боис бўлса керак, кўпчилик ота-оналар фарзандларининг у кишидай бўлишларини орзу қилишади.

**Суратда: Ҳаким ака Зарипов болалар билан.**

**Р. АЛЪБЕКОВ** туширган сурат.



— Ўтир, Дилфуза! Ҳеч нарса билмайсан, — деди ўқитувчи.

— Яна сўранг. Икки кўйманг, — ялингансимон сўради Дилфуза.

Барибир ўқитувчимиз унинг гапига қулоқ солмади. Шартта журнални очди-да, унга "икки" баҳо қўйди.

Мен дугонамга қарадим у лол қотдим. Унинг кўзлари... Йўқ эслашнинг ўзи дахшат. Кўзлари бошқача, ҳа-ҳа бошқача эди. Атрофга аланғаладим. Ҳамманинг хаелида эса бир савол хоким: энди доскага ким чиқаркин? Ҳеч кимнинг Дилфуза билан иши йўқ. Мен ҳам бир ўқитувчимизга, бир журналга қарадим ва боянган ҳам галати ҳодисага шохид бўлдим. Қизик, ўқитувчимизнинг унга кўймоқчи бўлган "2"лари негадир "5" га айланиб қоларди. Кўзларимга ишонмадим. Гўё кўраётганларим тўлалигича туш эди.

Ҳа, дарвоқе, сизларга Дилфузани таништирмабман-ку. У бизнинг синфда ўқийди. Эсимда, бир куни уни тоқ уриб олди. Ушанда биз 6-синфда ўқирдик. Физикада ўқиганмиз, одамни тоқ урса, унинг вужудидоги зарядлар бир томонга ҳаракат қилиб қоларкан. Бундайларни биотокли одамлар деб санаш мумкинмиш. Шу-шу бўлди-ю, у ўзгарди-қолди. Энди у аввалги шўх Дилфуза эмас, балки уйчан, одамови Дилфузага айланган эди. Осмонга қараб, нуқул хаёл сурарди. Бир куни ана шундай хаёл суриб ўтирган экан, олдига бордим.

— Дилфуза, нималарни ўйлайверасан бунча? — дедим.

— Осмонда, — деди у бироз жим тургач, — бизга ўхшаган одамлар яшашармикан?

Хуллас, унинг нафақат ўзи, сўзлари ҳам ва, ҳатто, у билан боглиқ воқеалар ҳам галати, ту-шунарсиз эди.

Бир куни уларникига дарс тайёрлагани бордим...

Келинг, яхшиси, ҳаммасини бир бошдан, тартиб билан айтиб берай. Дилфузаларникига биргаликда дарс тайёрлагани чиқсамдарвоза

очик. Одатда эшик доимо епик турарди. Уйда елғизгина Дилфуза қоларди. Шу сабаб онаси унга доимо эшикни епиб ўтиришни қайта-қайта такрорларди.

Мен аста юриб Дилфузанинг деразасига яқинлашдим ва Дилфузанинг ким биландир сўзлашаётганини эшитдим. Қизиқишим ортиб, секин деразадан мўраладим. Ё алҳазар, қай кўз билан кўрайки, у ойнадаги ўз акси билан

мақсадга ўтдим. — Дарсни бирга тайёрламоқчи эдим.

Иккаламиз дарс тайёрлапмизу хаелларимиз бошқа еқда. Мен ҳозирги воқеалардан ўзимга келганим йўқ. У эса негадир хавотирда. Биз аллавақтгача дарс тайёрлаб ўтирдик. Кетиш олдидан у мени тўхтатди.

— Дилором, ҳали... Ҳеч нарса сезмадингми?  
— Йўқ, — деб жавоб бердим, кейин

**Дилдора ОРИПОВА.**



**ФАНТАСТИК ҲИКОЯ**

сўзлашиб ўтирарди.  
— Сизларда ҳам ҳаёт борми? — деб сўради Дилфуза.

— Ҳа, худди сизларникидек. Яшаш тарзимиз ҳам кнефамизга параллел. Масалан, сен билан бир хилдаги вазифани бажара оламан, — деган овоз келарди аксидан.

Шу вақт акси жим қолди. Дилфуза эса парвойи палак. Сўнг яна ўша овозда:  
— Эй, нега жим қолдинг? Нега гапирмайсан?  
— деди. Энди мен жим туролмадим.

— Дилфуза нима қилисан? — дедим. Дилфуза менга ялт этиб ўтирибди. Юзлари дув кизарди.

— Қачон келдинг?  
— Ҳо-ҳозир, — дедим шоша-пиша. Кейин

билмаган киши бўлиб сўрадим. — Нимани?

— Ўзим, шундоқ... Халиги... ойна олдида...

Секиб турибман мақсадини, агар воқеани кўрган бўлсам Ҳеч кимга айтма, дейди. Чунки синфдошларимиз уни жиннига чиқарини тайин. Шунини пайқадиму елкасига кўлимни кўйиб:

— Қўрқма Ҳеч кимга айтмайман. Айтсам ҳам барибир ишонинмайди, — дедим.

Дилфузанинг шундан кейин анча чехраси очилди. Шу кундан бошлаб у менга яқин сирдош бўлиб қолди. Иккимиз бирга дарс тайёрлаб, бирга мактабга қатнардик. Кейинги йилларда иккимиз "Ёш қаламкашлар" тўғарагига ҳам ёзилдик.

— Одамларга таъсир эта олишингни қачон сезгансан? — деб сўрадим бир куни.  
— Эсингдами, мени тоқ уриб олганди.

Мендаги бу қобилият ўшандан бошланган бўлса керак, деб ўйлайман. Алжабр ўқитувчимизнинг кўлидаги таёқни тўсатдан ениши-чи? Ўшанда у ўзидан-ўзи ениб кетувди. Таёқнинг ениб кетишига ҳам, тунов кунги "5" ларга ҳам мен сабабчидим.

— Ойнадаги киз-чи?  
— А, уми? Биласанми, бир куни соч тараётган эдим. Қарасам у жим турибди? Кўрқиб кетдим. У тилгақирди. Шу...

Унинг гаплари оғзида қолди. Онаси қақириб қолди. Эртаси куни Дилфузани йўқлаб уйига борсам, онасининг ранги синиққан, бир алфозда.

— Дилором, дугонанг мени кўрқитиб, галати-галати гапларни айтяпти. "Мен ўламан, менсиз нима қиларкансиз," дейдимий?

Ҳайрон бўлиб ичкарига кирдим. Дилфузанинг юзида қон йўқ. У хомуш, аввалгидек уйчан эди. Мени кўриб, индамай қоғоз узатди. Қоғозга қарадим: Ҳеч нарса йўқ. У қўли билан қоғозни силаган эди аллақандай езувлар пайдо бўлди:

"Хурматли ерлик кизимиз Дилфуза! Биз ўзга сайёраликлар сени ўз юртимизга олиб кетамиз. Риҳом".

— Дилором, Ҳеч кимга бу ҳақда гапириб ўтирма. Мен ўламан, — деди Дилфуза езувларни ўқиб бўлгач.

— Ким айтди?  
У ойнани кўрсатди.

— Қанақасига? Нимага?! — бақириб юбордим мен.

— Жим, улар менинг фақат руҳимни олиб кетишади. Энди мактабга бор. Алвидо!  
Мен оёгим тортмай мактабга кетдим. Дарсда ўтирар эканман, нуқул Дилфузани ўйлайман. Биз Дилфуза билан бирга ўсдик, бирга вояга етдик. Ҳатто оналаримиз номларимизни ҳам ўхшатиб Дилфуза — Дилором қўйишган. Буни ўйламай бўладими, ахир. Йўқ, дарсда ўтиролмадим. Уйга чопдим. Дилфузаларнинг эшигини олдида етганимда:

— Вой болам! — деган овозни эшитдим.



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:  
Ф. ЖАЛИДОВА, Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ,  
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,  
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,  
Д. ТУРАҲМЕТОВА.

Телвис эгувчи:  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ  
Газета 1229 йил, 1 августдан  
«ЛЕНИН УЧҚУНИ» номи билан  
чиза бошланади.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:  
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,  
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.  
Напр кўрсаткичи: 64563  
Чоп этиш вақти — 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-маъбаа концерни  
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-544. 29499 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табақ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6